



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O‘ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO‘LIMI**  
**YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

151800, O‘zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko‘chasi.  
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 8-iyul

Yaypan shahri

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.**
- 2.Loyihaning nomi: Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi loyihasi.**
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi.**
- 4.Loyiha yuzasidan ma‘lumot:**

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi va “NAVBAKOR GOLD STROY INVEST” MChJ o‘rtasida jami qiymati 73.493.800 so‘m bo‘lgan O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tasarrufidagi 16-sonli maktab atrof devorini mukammal ta‘mirlash to‘g‘risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo‘jalik shartnomalarining subyektlari (taflari) bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko‘ra, xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o‘zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan

shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 4-iyuldagi 112907-sonli bayonnomasiga asosan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 16-sonli maktab atrof devorini mukammal ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi yuzasidan o'tkazilgan tanlovda "NAVBOXOR GOLD STROY INVEST" MChJ tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asoslangan holda

### **XULOSA:**

Mazkur shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul'ti**



**A.Turdialiyev**

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «8» 7

31045 - сон

Яйпан

Ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **“Навбахор Голд Строй Инвест”** МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **Д Отажонов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Ўзбекистон тумани ХТБ** номидан (қелгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Н Сиддиқова** ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиҳа-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги мукамал таъмирлаш ишларини бажариб беради:

**Ўзбекистон тумани ХТБга қаршли 16-мактаб атроф деворини мукамал таъмирлаш.**

- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **73 493 800 сум, (етмиш уч миллион тўрт юз тўқсон уч минг саккиз юз сум) (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) ни ташкил қилади.**
- 1.3. Бажариладиган мукамал таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Мукамал таъмирлаш ишларини бажариш муддати: шартнома тузилган кундан бошлаб **20(йигирма)кун.**

## 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. Бажарилган мукамал таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган мукамал таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган мукамал таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» мукамал таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади.

2.3. Мукамал таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган мукамал таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

## Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз

маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

- 3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган мукамал таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект аклари), лойиха-смета ҳужжатлари ва бошқа тегишли ҳужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган мукамал таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета ҳужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган мукамал таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

#### 4. Жарималар қўлланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган мукамал таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган мукамал таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3 Қабул қилинган мукамал таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
5. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енғин, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### 6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача .Маълум сабабларга кўра бажарилган мукамал таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
  - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган мукамал таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
  - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
  - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
  - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган мукамал таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

#### Кўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари оркали хал қилинади.

.2«Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади*

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал килинади.

### 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»  
**«Навбахор Голд Строй Инвест» МЧЖ**  
(Иш бажарувчи номи)

Манзил: Фурқат тумани Навбахор шаҳарчаси

Тел./факс

х/в 20208000300996961001

Банк номи АТ Халқ банки Фурқат тумани филиали.

МФО 00807                      СТИР 306072413

«Буюртмачи»

**Халқ таълими бўлими**  
(буюртмачи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳри зиёкор 102

Тел./факс

ш/х\* 100022860302307092100075071

СТИР 200189130

ОКОНХ 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон тумани Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ХККМ

МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар:

Н.Сиддикова

М.ў.





**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон тумани Халқ таълими  
бўлими мудирини (комиссия раиси)

Н.Сиддиқова

**Ўзбекистон тумани Халқ таълими  
Харид комиссиясининг**

**13-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил 08-июль

Яйпан шаҳри

**Раислик қилувчи:**

- |              |   |
|--------------|---|
| Н.Сиддиқова  | - Халқ таълими бўлими мудирини комиссия раиси                                 |
| А.Набиев     | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош хисобчи<br>– комиссия аъзоси     |
| Н.Нишоновна  | - бўлим мудирини ўринбосари - комиссия аъзоси                                 |
| М.Мирбадалов | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош иқтисодчиси<br>- комиссия аъзоси |
| Ж.Рахмонов   | - махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими бошлиғи<br>- комиссия аъзоси           |
| З.Турғунова  | - ДХ ва шартномалар бўлими гуруҳ раҳбари<br>- комиссия котиби                 |

**Кун тартибидаги масала:**

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 16-мактаб атроф деворини мукамал таъмирлаш ишлари 25.06.2022-йил Лот № 22110012112907 билан электрон давлат харидлари платформасига жойлаштирилга бўлиб, 01.07.2022-йилда ушбу лотга таклифларни қабул қилиш якунланган. Келиб тушган таклифлар котиб томонидан харид комиссиясига тақдим этилган этилган. Якуний натижасига кўра “Навбахор Голд Строй Инвест” МЧЖ ғолиб деб топилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудирини Н.Сиддиқова Сўзга чиқиб, танлов шаффоф хамда талабларга мос ўтганини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўз олган комиссияси аъзоси Ж Рахмонов, энг яхшти таклифни танлаш юзасидан муҳокама кунларида хеч қандай этирозлар келиб тушмаганлиги хамда хеч кимда этирозлар йўқлигини айтиб ўтишди. Харид Комиссияси танлаш бўйича этирозлар келиб тушмаганлиги сабабли “Навбахор Голд Строй Инвест” МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузишга келишди.

Н.Сиддиқова

Н.Нишоновна

А.Набиев

М.Мирбадалов

Ж.Рахмонов